

491.2
У-73

О. УСМОНОВ

**САТТОРХОН
РУС ТИЛИ
ТАРҒИБОТЧИСИ**



A

ф. 111

О. УСМОНОВ

491.7
У-83

САТТОРХОН — РУС ТИЛИ ТАРҒИБОТЧИСИ

34207/2

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

1980

Ушбу рисолада рус тили ва рус маданиятининг оташин тарғиботчиси бўлган маърифатпарвар олим Сатторхоннинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг Туркистон аҳолиси ўртасида рус тилини кенг тарғиб қила бориб, уни ўрганишга даъват этганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори
Фаттоҳ Абдуллаев

С П И С О К

У 70103—1331
355(04)—80 рез. 80 4602000000

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1980 й.



АВТОРДАН

Ушбу китобча мудҳиш чор реакцияси ва диний фанатизм, мутаассиблик авж олган бир даврда Урта Осиё ва Қозоғистоннинг Россияга қўшиб олиншининг прогрессив аҳамиятини тушунган кишининг хотирасига бағишланган. Бу ҳодисанинг моҳиятини чуқур англаган Сатторхон ўзининг бутун умрини ва бутун ижтимоий фаолиятини маърифатпарварлик ишига, рус тили ва улур рус маданиятини тарғиб қилишга бағишлади. У Туркистон халқлари билан рус халқини бир-бирига яқинлаштириш учун кўп ишлар қилди. У Туркистонда қалдирғочлардан бири бўлиб, илк бор халқлар ўртасида порлоқ дўстлик уруғини сочди ва бу уруғлар келгусида қийғос униб чиқди.

Бирор ишни биринчи бўлиб бошлаш ҳамиша қийин бўлади. Сатторхонга ҳам қийин ва оғир бўлган эди. Лекин унинг рус тили ва рус маданияти, рус фани ва маорифининг тарғиботчиси сифатидаги олижаноб миссиясига, унинг қилаётган ишининг тўғрилигига муҳаққақ эътиқоди ҳамиша кўмак берди.

Чор амалдорларининг, шунингдек, билимсиз ва нодон феодал-патриархал жамиятнинг хуружларига учраб турган Сатторхон энг оғир шароитларда замоннинг буюк идеалларига содиқ бўлди ва шундай бўлиб қолаверди. Камдан-кам учрайдиган гражданлик матонати унинг ўз йўлида — рус тили ва рус маданиятини тарғиб қилиш йўлида учрайдиган қийинчиликларни енгиб ўтишига ёрдам берди. У ўзининг олижаноб фаолияти билан Туркистон халқларининг улур рус халқига яқинлашишига кўмак берди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўз асарлари ва мақолаларида Сатторхонни Шарқ халқларининг мутафаккир олимлари ва маърифатпарвар ёзувчилари қаторида тилга олади.

Сатторхоннинг ҳаёти ва ижтимоий-педагогик ва маърифатчилик фаолиятини ўрганиш ишларини мен 50-йилларнинг ўрталарида бошлагандим¹. Шундан сўнг, 60-йилларнинг бошларида айрим журналларнинг саҳифаларида рус тили ва маданиятининг илк тарғиботчиси Сатторхон тўғрисида менинг бир неча мақола-

¹ Усманов А. Саттархан — замечательный узбекский просветитель — «Правда Востока», 1959 г., 24 мая.

ларим эълон қилинганди². Шу ўрганиш натижалари 1962 йилда чоп этилган «Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари» номли китобчамизда эълон қилинган эди³. Ушандан бери Сатторхон тўғрисида кўп кишилар ёздилар. Тарихчи профессор А. П. Савицкий ҳам Сатторхоннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида китобча ёзди ва уни чоп этгирди⁴.

Б. В. Луинининг «Буюк дўстлик сарчашмаларида»⁵, Э. Каримовнинг «Ўзбек адабиётида реализмнинг ривожланиши»⁶ деган ишларида ва бошқа мақолаларида ҳам рус тилининг ва улўф рус халқи билан дўстликнинг тарғиботчиси бўлмиш Сатторхон олижаноб фаолиятининг айрим жиҳатлари айтиб ўтилган.

Сатторхон тўғрисида бизнинг томонимиздан ёзилган мақолалар эса турли йилларда айрим тўплам ва турли журналларда эълон қилинган учун ҳам улардан фойдаланиш китобхон учун қийинчилик туғдирар эди. Шунинг назарда тутиб, Сатторхоннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида, биринчи галда унинг рус тили ва рус маданиятининг илк тарғиботчиси сифатида олиб борган кураши ҳақида алоҳида китобча нашр этишни мувофиқ кўрдик. Сатторхон тўғрисида бундай рисоланинг нашр этилиши фойдадан ҳоли бўлмаса керак, деб ўйлаймиз.

Ажойиб инсон, маърифатпарвар олим Сатторхон тўғрисидаги ушбу рисола кўпчилик китобхонларнинг қизиқишларини маълум даражада қондирар деган умиддамиз.

² Олим Усмон. Маърифатпарвар олим рус тили ҳақида — «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1962 йил 5-сон; Сатторхон — «Шарқ юлдузи», 1962 йил, 7-сон; Тошкентдан Петербургга саёҳат (Сатторхон рус маданияти ҳақида), «Шарқ юлдузи», 1963 йил, 11-сон.

³ Олим Усмон. Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари, Тошкент, 1962.

⁴ Савицкий А. П. Саттархан Абдулғафаров, Ташкент, 1965.

⁵ Луинин Б. В. У истоков великой дружбы, Ташкент, 1972.

⁶ Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе, Ташкент, 1975.

САТТОРХОННИНГ ҲАЁТИ ВА ТУРКИСТОНДА РУС ТИЛИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Маълумки, Ўрта Осиёнинг Россия давлатига қўшиб олинishi ўзбек халқининг рус халқи билан бевосита ва яқиндан алоқа қилиши учун кенг имконият очиб берган эди. Бу эса оқибатда ўзбек халқининг илғор рус маданиятидан баҳраманд бўлиш ва рус тилини ўрганиш имкониятини туғдиради. Зотан, Ўрта Осиёнинг Россия давлатига қўшиб олинishiнинг прогрессив оқибатларидан бири ҳам ўзбекларнинг руслар билан бевосита алоқа қилиши ва рус тилини ўрганиши бўлган эди.

В. И. Ленин бундан қарийб 70 йил муқаддам — 1913 йилдаёқ «Рус тили жуда кўп майда ва қолақ миллатлар учун прогрессив аҳамиятга эга эди — бу шубҳасиз»¹, деб доҳиёна кўрсатиб ўтган эди. Ҳақиқатан ҳам рус тили ўтмишда, Ўрта Осиёнинг Россия давлатига қўшиб олингандан кейинги даврида чекка ўлкаларда яшаган миллатлар ва элатларнинг, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам рус халқи билан яқиндан алоқа қилишида, бора-бора рус маданияти ва адабиётидан баҳраманд бўлишида ижобий роль ўйнади.

Рус тилининг бу фазилати ва илғор рус маданияти революциядан анча илгарийёқ Шарқ халқларининг Мирза Фатали Охундов ва Мамедқулизода, Олтинсарин ва Абай, Қажом Носирий ва Тўқай, Аҳмад Дониш ва Айний, Фурқат ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари маърифатпарвар намоёндалари қалбига етиб боради. Улар рус халқига, унинг илғор маданиятига зўр ҳурмат билан қараб, рус маданиятига эргашишга, ундан ибрат олишга даъват қиладилар. Рус тилини эса ўз халқларининг рус халқи ва унинг маданияти билан яқинлашувида, ундан баҳраманд бўлишида асосий воситалардан бири деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам рус тилига зўр муҳаббат билан қараб, уни ўрганиш зарурлигини тарғиб қилдилар.

Рус тили ва рус маданиятига муносабат масаласида ана шундай илғор позицияда турган прогрессив намоёндаларимиздан бири XIX асрда яшаб ижод этган маърифатчи Сатторхон Абдуғафоров эди.

¹ Ленин В. И. Асарлар, 19-том, 520-бет.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Сатторхоннинг номини Мирза Фатали Охундов (Озарбайжонда), И. Чавчавадзе (Грузияда), М. Налбандян (Арманистонда), Тарас Шевченко (Украинада), Абдулла Тўқай (Татаристонда), Абай Қўнонбоев (Қозоғистонда), Фурқат ва Муқимий (Ўзбекистонда) сингари мутафаккир ёзувчилар ва олимлар билан бир қаторда тилга олиб ўтади². Сўнгра Ш. Р. Рашидов Сатторхон ҳақида яна шуларни айтиб ўтади: «Таниқли ўзбек маърифатчиси Сатторхон рус тилини ғоят севар ва юксак кадрлар эди. У рус тилини билмай туриб дунёвий фанларни ўрганиб бўлмаслигини, чунки кўпдан-кўп буюк кашфиётлар шу тил асосида яратилганлигини уқтирар, бу фикрни ҳаётнинг ўзидан олинган муайян мисоллар билан исботлар эди». Сўнгра у ўз фикрини давом эттириб, яна шундай дейди: «Сатторхон маҳаллий аҳоли орасида рус тилини қунт билан тарғиб қилди, одамларга билим ва маърифатга меҳр қўйиш туйғусини сингдирди, ўз халқини нодонлик ва жаҳолатдан, қолоқлик ва маданиятсизликдан ҳалос қилиш учун тинимсиз кураш олиб борди. У рус тилини билиш иккала халқни ўзаро яқинлаштиришга ва уларнинг дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам берди, деб ўз ватандошларини ишонтирди»³. Бинобарин, кўп вақтлар унутилиб келинган олижаноб ватандошимиз Сатторхон ҳақидаги бу юксак баҳо ўзбек халқининг маданий меросини ўрганишда партия ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир. Сатторхоннинг бундай юксак баҳога сазовор шахс эканлигини, унинг XIX аср иккинчи ярмида мураккаб ва оғир бир шароитда ўзбеклар ичида биринчи бўлиб кўтарилиб чиққан маърифатпарвар олим сифатида кўрсатган хизматлари, хусусан, унинг Россия ва рус халқига, рус тилига нисбатан бўлган муносабатида ўзининг ёрқин ифодасини топгандир.

Сатторхоннинг бу соҳадаги фаолиятини ўрганар эканмиз, биз Лениннинг синфий жамият шароитида ҳар бир миллий маданиятда икки хил маданият мавжудлиги ҳақидаги таълимотига суянмиз. Зотан, унинг бу таълимоти синфий жамият шароитида таркиб топган маданиятнинг ҳар қандай ҳодисасини баҳолашда асосий критерия бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, биз Лениннинг қуйидаги кўрсатмасига ҳам тўла амал қиламиз: «Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади»⁴.

² Шароф Рашидов. Дўстлик ва қардошлик тили, Тошкент, 1977, 18—19-бетлар.

³ Уша жойда, 20-бет.

⁴ Ленин В. И. Асарлар, 2-том, 190-бет.

Сатторхон 1843 йилда Чимкент шаҳрида туғилган. Унинг ота-боболари дин, шариат қонун-қоидаларининг билимдонлари сифатида Чимкент аҳолиси ўртасида ном чиқарган обрўли, нуфузли уламо ва фозил кишилар бўлган. Отаси Абдуғаффор эшон умр бўйи асосан мударрислик қилган.

Сатторхон 14 ёшгача ўз бобоси Мўминхонхўжа эшон қўлида таҳсил кўради. Сўнгра у таҳсилни Тошкентга бориб Шукурхон мадрасасида давом эттиради. Мазкур мадрасада олти йил таҳсил кўргач, 1862 йилда ўз шаҳрига қайтиб, муфтилик вазифасида ишлаб бошлайди. Бу ёш ўзбек зиёлиси ўзининг зўр истеъдод, айниқса араб ва форс тиллари соҳасидаги камолоти билан, шунингдек, шариат низомномалари, қонун-қоидалари соҳасидаги билимдонлиги билан аҳоли ўртасида жуда тез шуҳрат қозонади.

Сатторхон Ўрта Осиёнинг Россия давлатига қўшилишининг дастлабки йилларида ҳам муфтилик вазифасида ўз ишини давом эттиради. У тасодикий бир воқеа муносабати билан ўз ватандошлари орасида биринчи бўлиб рус тилини ўргана бошлайди (бу ҳақда қуйроқда алоҳида тўхтаймиз), 1873—1876 йилларда Чимкент шаҳрида биринчи марта очилган рус-тузем мактабида муаллим бўлиб ишлайди. Сўнгра у 1876 йилдан 1881 йилгача Қўқон шаҳрида қози бўлиб туради.

Бироқ у европача тартиб ва таълим системасининг тарафдори бўлганлиги ҳамда аҳоли ўртасида рус мактаби ва рус тилини тарғиб қилганлиги учун реакцион руҳонийлар ва шариат пешволари томонидан қаттиқ таъқиб остига олиниб, охири Қўқондан кетишга мажбур бўлади.

Сатторхон 1883 йилдан бошлаб то 90-йилларнинг бошларигача Тошкентда ишлаган даврини эсга олар экан, «Туркистон вилоятининг газети» (1890 йил, 33-сон)да эълон қилинган хотираномасида шуларни ёзади: «1883 йилда мен Туркистон вилоятида сартия тилида чиқиб турғон русия газетиға таржимонликка таъминланиб, 1884 йилда, биринчи августда Туркистон вилоятининг учительская семинария мадрасасиға сартия ва форсий тилини муколама қилиб турмоққа тайинланиб, бул мансабда 1889 йил биринчи мартағача туриб, андин кейин Сирдарё музофотидағи область маҳкамасидағи ер солиғини таъйин қиладурғон камисияға таржимонликка тайинландим. Ушбу мансабда ва мазкур газетға алҳол ҳам таржимонликда турибман».

Сўнгра Сатторхон 1893 йилда ўз шаҳрига — Чимкентга қайтиб боради ва у ерда 1899 йилгача қози бўлиб туради. Уша йили, қози сайлов маҳалида сайловдан ўтмай қолиб, у яна Тошкентга қайтиб келади. Тошкентда икки-уч йил ишсиз юриб, бола-чақалари билан оғир ҳаёт кечиради.

Сатторхоннинг катта ўғли Искандархоннинг сақланиб қолган хотира дафтарыда кўрсатилишича ҳам, Сатторхон умрининг охир-

ги йилларида бутун оиласи билан жуда оғир ҳаёт кечирган, Чимкентдаги ҳовли-жой ва от-молларини сотиб, рўзғорга сарфлаган. Сўнгра Тошкентдаги собиқ Московская, ҳозирги Энгельс кўчасида европача усулда қурган уйнинг бир неча хоналарини ижарага қўйиб, шу ижара пули ҳисобига яшаб турган. Илғор рус зиёлилари унинг ҳолидан пинҳона хабар олиб, ёрдамлашиб турганлар. Бунинг сабаби шуки, Сатторхон том маъноси билан руслашиб кетмагани учун Туркистондаги чор мустамлакачиларига ёқмай қолган эди. Тошкентнинг ўша маҳалдаги эски шаҳар аҳолиси ўртасидаги мутаассиб қисми эса, Сатторхоннинг рус тили ва рус маданияти ҳамда европача яшаш тарафдори бўлгани учун уни «чўқинди қози»га чиқариб қўйган эди. Шунинг таъсирида у ўз ватандошлари ичида ҳам таъна ва маломатларга қолган эди.

Сатторхон 1901 йил 22 декабрда Тошкентда вафот этади. Қавм-қариндошларининг хоҳиши билан унинг жасади туғилган шаҳри — Чимкентга олиб борилиб, у ерда ота-боболари қўйилган Бободарвеш қабристонига дафн қилинади. Сатторхоннинг уч ўғли ва уч қизи бўлган.

Сатторхон икки марта ички Россияга саёҳат қилади. Биринчи марта у 1876 йилда Петербургга, шарқшуносларнинг учинчи жаҳон конгрессига Туркистондан вакил бўлиб боради. Шу муносабат билан у Россиянинг Москва ва бошқа шаҳарларида ҳам бўлади. Иккинчи марта у 1894 йилда Москва шаҳрига боради.

* * *

Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, хонлик тузумида яшаб, эски, схоластик мадраса таълимини кўрган, ўз динининг талабларини шаксиз бажо келтирадиган, ҳатто дин ва шарият қонун-қоидаларининг ҳимоячиси (адвокати) бўлган ёш бир ўзбек зиёлисининг қандай йўллар билан рус тили ва рус маданиятининг ҳимоячисига айланишининг ўзи ҳам ибратомиз бир тарихдир. Шунинг учун ҳам бу ўринда Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг биринчи йилидан бошлаб Сатторхоннинг қандай қилиб рус тилини ўргана бошлагани ва бора-бора рус тилининг ҳимоячисигина эмас, ҳатто унинг оташин тарғиботчиси бўлиб етишгани тўғрисидаги баъзи маълумотларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Зотан, рус тили у ёқда турсин, ҳатто руслар ҳақида ҳали ҳечқандай тасаввурга эга бўлмаган, умрида русларни кўрмаган Сатторхоннинг рус тилини қандай қилиб ўрганганлигининг ўзи ҳам диққатга сазовор ва жуда мароқлидир.

Маълумки, чор мустамлакачилари ўтган асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёни забт қила бошладилар. Унгача маҳаллий аҳоли руслар ҳақида унчалик тасаввурга эга ҳам эмас эди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг дастлабки вақтларида маҳаллий кишилар, хусусан ислом дини ва шариятга садоқат руҳида тарбияланган ўқимишли кишилар ўлкада ўрнатилган

янги тартиб ва қонун-қоидаларга бефарқ қарай олмас эдилар; булар дастлабки вақтларда умуман русларга ишончсизлик билан қарар, уларни ғайридин ҳисоблаб, нафратланар эдилар. Улар «кофир» бўлиб қолишдан қўрқиб, руслар билан учрашишдан, ҳатто дуч келиб қолишдан ҳам қочардилар. Сатторхон ҳам худди ана шундай кишилардан эди. Дастлаб, у ўзининг шундай кишилардан бўлганлигини хотираномасида ҳам кўрсатиб ўтади.

Бироқ, Сатторхон шундай бир воқеага дуч келдики, бунинг натижасида унинг фикрида ўзгариш содир бўла бошлайди. Унинг рус халқи ҳақидаги тасаввурининг ўзгаришига, рус тили ва рус маданиятига муносабат масаласини тўғри ва тезроқ тушуниб олишига ёрдам берган бу тасодикий қутлуғ воқеанинг тафсилоти қуйидагичадир.

Маълумки, чор қўшинлари 1864 йилда Чимкент шаҳрини забт қиладилар. Рус ҳарбийлари ва шаҳарда доимий туриб қоладиган чор маъмурлари ва хизматчилари учун ҳали махсус бинолар қурилмагани учун уларни шаҳар аҳолисининг хусусий уйларига жойлаштиришга тўғри келган эди. Шулар жумласидан, рус артиллериясининг офицери Еникеев Чимкент шаҳрида узоқроқ туриб қолиши керак эди. Ана шу муносабат билан у истиқомат қилиши учун маҳаллий уламолардан Абдуғаффорхўжа исмли мударриснинг уйига, унинг бир ҳужрасига жойлашади⁵.

Миллати бошқирд, дини мусулмон бўлган бу киши ҳужра хўжайинининг ўғли — ёш йигит, муфти Сатторхон билан яқиндан танишиб, дўстлашмоқчи бўлади. Лекин Сатторхон Еникеев ўзининг мусулмон эканлигини таъкидлашига ҳам қарамасдан, унга шубҳа ва ишончсизлик билан қараб, ундан ўзини четга олиб юрар эди. «Мазкур афитсер (офицер) Еникийф (Еникеев), — деб ёзади Сатторхон хотираномасида, — менинг хусусимда эшитиб, менинг бирлан ошно бўлмоқ учун манга келиб учрашди. Ман унга эътиқод қилмай (ишонмай), чандони рўйиҳуш бермадим»⁶.

«Агарчандики, — деб ёзади Сатторхон яна, — Чимкент шаҳрида доимо русия халқини кўруб турсам ҳам, русия халқи бирлан яқинлашмоқ зарур деб, мутлақо ҳаёлимга келган йўқ эрди. Ул вақтда Чимкент шаҳрида русиялар алоҳида турадигон жойлари бўлмай, сартия халқининг уйларида аралаш тургучи эрдилар. Шундақ ҳам бўлса, русиялар хусусида билмоққа рағбатимиз бизнинг кам эрди» (1890 йил, 16-сон).

Шундай қилиб, Еникеев Сатторхон билан қанчалик даражада яқинлашиб, дўстлашиб учун ҳаракат қилмасин, унинг бу ҳаракати дастлабки вақтларда сезиларли натижа бермайди. Ҳатто у Сатторхонга мурожаат қилиб, сиз менга форс тилини ўргатинг,

⁵ Қаранг: Лыкошин Л. Результаты сближения русских с туземцами — «Туркестанский календарь на 1904 г». Ташкент, 1903, с. 5.

⁶ «Туркистон вилоятининг газети», 1890 йил, 19-сон. Ушбу манабадан олинган кейинги цитаталарда газетанинг йили ва сони текстининг ўзида қавс ичида кўрсатиб борилади.

мен сизга рус тилини ўргатай, деб таклиф қилганда, Сатторхон кофир бўлиб қолишдан қўрқиб, рад жавобини беради.

Бироқ Еникеев бу ёш олимнинг жуда истеъдодли, айниқса араб ва форс тилларини мукаммал билгани учун ҳам, тобора унинг билан кўпроқ ҳамсуҳбат бўлишга, яқиндан алоқа қилиб, дўстона муносабат ўрнатишга интилар ҳамда жаҳолат ва асрий қолоқликда, том маъноси билан биқикликда яшаб келган ўзбек халқининг бу ўқимишли намоиядасига европа халқларининг, шу жумладан рус халқининг ҳам ҳаёти ва маданияти, фан ва техникаси ҳақида кўрган, билган ва эшитганларини сўзлаб бергиси келарди.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Туркистонда ўз ҳукмронлигини ўрнаштираётган чор мустамлакачилари диндош ва тиллари қардош бу икки шахснинг — рус офицери Еникеев билан маҳаллий кишилардан Сатторхоннинг бир-бирлари билан яқин муносабат ўрнатишларидан, шубҳасиз, манфаатдор бўлган бўлишлари мумкин. Бироқ, тарихий манбалар, хусусан, Сатторхоннинг ўз хотираномасида Еникеев ҳақида ёзиб қолдирган маълумотлари унинг Сатторхонга нисбатан бўлган муносабатининг бегараз ва самимий бўлганлигидан далолат беради.

Еникеевнинг уринишлари оқибатда бекорга кетмайди. Айниқса, унинг Сатторхон билан бир ҳовлида истиқомат қилиши, тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туришлари уларнинг бир-бирлари билан дўстона муносабат ўрнатишларида анча муҳим роль ўйнар эди. Шундай қилиб, у Сатторхоннинг диний ҳис-туйғуларига тегмасдан, аксинча, ўзининг ҳам мусулмонлигини қайта-қайта таъкидлаб, унинг билан бўлган ўзаро муносабатини аста-секин чуқурлаштириб боради. Охири Сатторхон Еникеевга форс тилини ўргатишга рози бўлади.

Еникеев ҳам ўз навбатида унга, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, рус тилини ўргатмоқчи бўлади. Бироқ, Сатторхон ҳамон миясига янглиш жойлашиб қолган ўша эски фикрдан қайтмасдан, яъни кофир бўлиб қолишдан қўрқиб, Еникеевнинг таклифига яна рад жавоб беради ва рус тилини ўрганишдан бош тортади. Хотираномасида ҳам у, ўша маҳалларда рус тилини ўрганиш, руслар билан алоқа қилиш ҳали у ёқда турсин, ҳатто русча кийим кийган одамлардан ҳам хазар қилганини ёзади: «Мен Чимкент шаҳрида муфтилик мансабида ўз шариятимизга мувофиқ амал қилиб туруб, халқ русумини бажо келтуруб турдим. Русия кийимларини кийган одамлардин эҳтироз қилиб турар эрдим» (1890 йил, 19-сон).

Бироқ, Еникеев билан донмо алоқада бўлиш, тез-тез суҳбатлар ўтказиб туриш Сатторхонга ижобий таъсир кўрсата бошлаган эди. Шунинг натижаси ўлароқ, биринчидан, ёш олимнинг онгида туғилган шубҳа ва иккиланиш билан бир қаторда, унда интилиш, йўл қидириш ва кураш ҳам пайдо бўла бошлайди. Иккинчидан, Еникеев ҳам Сатторхон билан яқиндан алоқа қила олишга, ундаги ўзига нисбатан бўлган ишончсизлик туйғуларини

ни йўқота олишга муваффақ бўлади. Натижада улар бир-бирлари билан дўстлашиб, ўртоқлашиб қоладилар.

Сатторхоннинг рус офицери Еникеев билан бу тарзда яқиндан муносабатда бўлиши ва дўстлашиб кетиши, биринчидан, унинг Россия ва рус халқи ҳақидаги тасаввурини ўзгартиришга, нотўғри тушунча ва шубҳаларини тамоман тарқатиб юборишга сабабчи бўлади. Бунинг Сатторхоннинг ўзи ҳам таъкидлайди: «Мана, охири иттифоқо русия аскарлари — мусулмон нўгайи Еникеев Муллаюсуф деган тўпчи тўра бирлан ланишиб қолиб, шу вақтдин бери менинг фаҳмим Русия хусусида тағаййир топа берди» (1890 йил, 16-сон).

Иккинчидан, бу дўстлик ва икки дўст ўртасида бўладиган доимий суҳбатлар Сатторхонга рус тилини ўрганишнинг ҳаётий зарурлигини чуқур тушуниб, уқиб олишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам у, янги тутиган дўсти Еникеевнинг қайта-қайта қилган таклифи ва ташвиқи билан, охири, рус тилини ўрганишга рози бўлади. «Андин кейин, — деб ёзади Сатторхон, — ул мани русия тилига ўқутмоққа таклиф қилди; бир неча маротаба рад қилиб, охири, қабул қилдим» (1890 йил, 19-сон).

Сатторхон Еникеев билан қилган суҳбатларидагина эмас, ҳатто рус тилини ўрганиш жараёнида ҳам ундан жуда кўп нарсаларни билиб олади. Ҳақиқатан ҳам Еникеев Сатторхонга рус тилини ўргатган маҳалларида ҳам рус ва бошқа Европа элларининг ҳаёти ва маданияти, уларда ривож топган илм-фан ютуқлари ҳақида турли маълумотлар бериб, тушунтириб боради. Буларнинг ҳаммаси Европа халқларидан бутунлай ажралган ҳолда яшаб келган ва дунёвий фанларнинг ҳатто учқунини ҳам етиб келмаган Туркистондек қолоқ бир ўлка аҳолисининг намоиядаси учун тамоман янгилик эди.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, Сатторхон фикрининг очилишига, унинг дунёқарашида жиддий бурилиш ясашга олиб келар эди. Шунинг учун ҳам бежиз эмаски, Сатторхон фан ва техникаси тараққий этган рус халқидан ажралган ҳолда — ундан қочиб, четда яшаш мумкин эмаслиги ҳақида ҳаққоний бир хулосага келади. Унинг чиқарган бу хулосаси эса ўз даври учун катта прогрессив аҳамиятга эга эди. Мана, унинг айтганлари: «Еникеев русия тилига ўргатган вақтида русия ва бошқа халқларини (нг) аҳволи ва ҳар хил илму ҳикмат хусусида манга баён қилди. Аввал дафъа ман анинг мақолотидин изтироб тортиб, охири, даража-бадаража анинг сўзларига русия халқи аҳволидин беҳабар умр ўтказмоқ мумтанеъ эканлигига (мумкин эмаслигига) қойил бўлдим. Русия бизнинг мамлакатини тобеъ қилғонига — бул дунёда ҳар бир воқеа худонинг продаси бирлан бўлишини ёдимга олиб, тақдирга тан қўйдим» (1890 йил, 19-сон).

Шундай қилиб, Еникеев, гарчи бирданига бўлмаса ҳам, Сатторхонда, рус тили ва рус маданиятига зўр қизиқиш тугдиради. Шунинг натижасида Сатторхон, бир томондан, рус тилини зўр иштиёқ ва қўнт билан ўргана бошлаган бўлса, иккинчи томондан

эса, рус маданияти ва тартиблари билан ҳам таниша бошлайди. Рус тили эса унга европа фанларини эгаллашда, рус маданияти ва тартиботлари билан танишиб боришда ёрдам беради.

Рус тарихчиларидан Н. Лыкошин Сатторхоннинг Ўрта Осиёни Россия давлатига қўшиб олинишининг энг илк, бошланғич даврида рус тили ва рус маданиятига бўлган бу қизиқиш ва интилишини улуғлаб ва юксак баҳо бериб шундай ёзган эди: «Сарт муллалари ичида Сатторхон татар (Еникеев)нинг ташвиқи туфайли рус тили ҳамда рус одат ва тартиблари билан танишишга журъат қилган биринчи киши эди. Ҳатто у (рус тилини ўрганишга) яна ҳам жиддийроқ киришди, жон-дили билан ҳаракат қилди, кўп нарсаларни ўқиди ва билимдор, ўқимишли рус кишилари билан танишишдан тортинмади... Маҳаллий аҳолига рус тилини ўргатишга ана шу тарика асос солинган эди»⁷.

Шундай қилиб, ёш ўзбек зиёлилари орасидан етишиб чиққан Сатторхон жаҳолат ва диний анъаналар билан чулғаб олинган ўз муҳитидан ажралиб чиқиб, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг илк даврида, яъни XIX асрнинг 60-йилларидаёқ ўзбеклар ичида биринчи бўлиб рус тилини ўргана бошлайди, бу эса унинг рус халқи билан яқиндан алоқа қилишига, рус маданияти ва дунёвий фанлар билан танишиб боришига йўл очиб берар эди. Унинг рус тили ва рус фанига бўлган қизиқишининг тобора ортиши эса ундаги фикрий ўзгаришни яна ҳам чуқурлаштирар эди.

Ёш олим Сатторхон ана шундай шароитда ўз халқини дунёвий фанлар руҳида, рус тили ва рус маданиятига ҳурмат ва муҳаббат руҳида маърифатли қилишга отланган эди.

Сатторхоннинг Еникеев билан яқиндан алоқада бўлиши, унинг билан дўстлашиши, айниқса рус тилини ўрганиши шунга олиб келдики, ҳали реакцион руҳонийлар таъсирида бўлган ҳамшаҳарлари унга ишончсизлик билан қарай бошлайдилар. Руслар билан алоқа қилгани, «кофирлар» тилини ўргангани учун уни динга, шариятга хилоф иш қилишда айблайдилар. Ҳатто унга бошқача йўллар билан турли тухматлар ёғдириб, муфтилик вазифасидан бўшаттирадилар. 60-йилларнинг охирларига бориб, Сатторхон қозиликка сайланади. Бироқ, у бу вазифада ҳам узоқ турмайди. Ҳамон давом этган таъқиб туфайли, бир йилга ҳам етмасдан қозиликни ташлашга мажбур бўлади.

*
*
*

Сатторхон 70-йилларнинг бошларида рус тилини ўрганишни давом эттириб, билимини чуқурлаштира боради. Рус адабиёти ва фани билан ҳам қизиқади. Шу орада, 1873 йилда Туркистон генерал-губернаторининг буйруғи билан Чимкент шаҳрида биринчи марта рус-тузем мактаби очилади. Сатторхон дўсти Еникеевнинг маслаҳати ва тавсияси билан мазкур «русия тили таълим

бериладургон мактабхона»га муаллим бўлиб киради. Кейинчалик Сатторхон ўз хотираномасида бу мактаб ҳақида шундай эслайди: «Ул мактабхонага русия тилини таълим бермоққа Урунбург (Оренбург) қазоғи Ҳасанов таъйинланди ва мусулмон тили (ўзбек тили) таълим бермоққа мен таъйинландим. Анда қирқча болалар пайдо бўлди. Ул тарика русия мактабхонаси Туркистон вилоятида аввал дафъа очилгон эрди» (1890 йил, 22-сон).

Ҳали русларга ишончсизлик ва ёмон назар билан қараш ҳукмрон бўлган бир даврда эндигина очилган рус мактабида маҳаллий аҳолининг қирққа яқин болалари ўқиши ҳақиқатан ҳам диққатга сазовор далил эди. Шубҳасиз, бу масалада ҳам Сатторхоннинг ташаббуси ва унинг маҳаллий аҳоли ўртасида бу рус мактабини ҳимоя қилиб, ўз болаларини, мусулмон динида таълим олиш билан бирга, рус тилига ҳам ўргатишга даъват қилганлиги, улар ичида ташвиқий иш олиб борганлиги яққол сезилиб туради. Зотан, унинг ўзи ҳам хотираномасида буни қайд қилиб ўтади.

Ҳатто у, ўзининг бу соҳадаги интилиши ва ҳаракатлари зое кетмаганлигини, шунинг натижаси ўлароқ Чимкент аҳолиси унга нисбатан бўлган «бурунги адоват» ва «адолатсизликлар»нинг тугаганлиги, яъни шаҳар аҳолиси ўртасида Сатторхонга ёмон назар билан қараш ўзгариб, унинг ҳақида тарқалган игво ва фисқу фужурларга барҳам берилганлигини кўрсатади. «Ул фурсатгача,— деб ёзади Сатторхон,— Чимкент шаҳрининг халқи бурунги адоватини унутдилар, менинг тўғримдаги ноадолатликлар менинг нафъимга ойд бўлмай Чимкент шаҳрида очилгон мактабхонага Чимкент халқининг ўз болаларини бермоққа қилгон сазй тарадуду муассир тушди» (1890 йил, 22-сон).

Ҳақиқатан ҳам Чимкент шаҳрида очилган бу рус-тузем мактаби Чимкент аҳолиси учунгина эмас, балки умуман Туркистон аҳолиси учун ҳам тамоман янги ҳодиса эди. Ҳатто бу типдаги мактаб Тошкентда ҳам ҳали очилмаган эди.

Юқорида айтганимиздек, маҳаллий аҳоли орасида русларга ишончсизлик билан қараш ҳукмрон бўлган, ҳатто рус тилини ўрганиш у ёқда турсин, «кофир» бўлиб қолишдан хавфсираб, руслар билан алоқа қилишдан ҳам ўзларини четга тортган бир маҳалда янгигина очилган бу рус мактабининг маҳаллий кишиларга, хусусан хурофотчи руҳонийларга ёқмаслиги турган гап эди. Аксинча, реакцион руҳонийлар русларга ва рус тилини ўрганишга қарши кескин кураш олиб борар эдилар. Мана шундай оғир бир шароитда Сатторхоннинг маҳаллий аҳоли ўртасида рус тилини улуғлаб, уни ўрганишга, бунинг учун маҳаллий кишиларнинг ўз болаларини янгидан очилган рус-тузем мактабига беришга даъват қилиб чиқиши унинг томонидан кўрсатилган зўр жасорат эди.

Ушбу янги мактабда Сатторхон икки йил ишлаган бўлса, шу давр мобайнида ҳам у ўзининг педагогик фаолияти билан маҳаллий аҳоли ўртасида рус тилини тарқатиш ишига яқиндан ёрдам қилади, рус тили ҳақидаги нотўғри қарашларга зарба бериб, уни ўрганишга ҳавас ва қизиқиш туғдиришга сабабчи бўлади. Саттор-

⁷ Лыкошин Н. Результаты сближения русских с туземцами — «Туркестанский календарь на 1904 г.», Ташкент, 1903, с. 5.

хоннинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан таниш бўлган шарқшунос Н. Лыкошин Сатторхоннинг вафоти муносабати билан шундай дейди: «1873 йилда Чимкент шаҳрида биринчи марта рус тузем мактаби очилиб, Сатторхон ана шу мактабга муаллим қилиб тайинланган эди. Сатторхон ана шу янги вазифада ишлар экан, маҳаллий кишилар ўртасида рус тилини ўрганиш ҳақида тўғри фикр тарқатиш учун озмунча иш қилмади ва унинг тушунтиришлари, рус тилини тарғиб қилиши шунчалик таъсирли бўлдики, ҳатто анча мўътабар кишиларгача ўз болаларини рус мактабига бердилар»⁸.

«Туркистон вилоятининг газети» ҳам ўзининг 1902 йил, 12-сонидида Сатторхоннинг Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинган дастлабки йилларда маҳаллий аҳоли ўртасида рус тилини тарқатишдаги хизматини эътироф қилиб, худди шу фикрни такрорлаб чиқади: «...Чимкент шаҳридаги руски-туземной ушкўл бино бўлиб, ушкўлга (мактабга) домла бўлиб Абдулсатторхон ўрус тилини мусулмон аросига изҳор қилмоқ учун кўп ҳаракат қилди ва ул кишининг ҳаракати билан мусулмонларнинг уламолари ва амалдорлари ўйлаб, болаларни ушкўлга (рус-тузем мактабига) бермоқ учун хоҳиш қилдилар».

Шундай қилиб, ўз халқини маърифатли қилишда, маданиятини юксалтиришда рус тилининг роли ва аҳамиятини уқиб етган ва унинг ихлосманди бўлиб етишган Сатторхон 70-йилларнинг бошларига келиб ўқиш ва билиш доирасидан интилиш ва ҳаракат, яъни амалий иш доирасига кўчади. Бунда ҳам у, ўзбеклар ичида биринчи бўлиб, рус тилининг тарғиботчиси ва рус-тузем мактабининг ҳимоячиси сифатида майдонга отилиб чиқади ва бу соҳада ўзининг биринчи, жиддий қадамини мазкур рус-тузем мактабида ишлашдан бошлайди. Сатторхоннинг диний фанатизм авж олган бир даврда, хурофотчиларнинг қаршилигига қарамасдан, маҳаллий аҳоли ўртасида жасорат билан рус тилини ўрганишни тарғиб қилиши, яна бунинг устига рус мактабини ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилиб чиқиши, шубҳасиз, прогрессив аҳамиятга эга бўлган ҳаракат эди.

Бироқ Сатторхон ўзининг бошлаган бу олижаноб ишини узоқ давом эттира олмайди. Икки йилча рус-тузем мактабида ишлагандан сўнг уни Қўқон шаҳрига қози қилиб тайинлайдилар. Лекин Қўқон шаҳрида қози бўлиб ишлаган йилларида ҳам, гарчи у рус мактабида бевосита ишламаса-да, шаҳар аҳолиси ўртасида рус тилининг фойдасини, уни ўрганиш зарурлигини тарғиб қилади.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, Сатторхон 1876 йилда Қўқон шаҳрида янги вазифада — қозилик мансабида эндигина иш бошлагач, бир неча ҳафта ўтар-ўтмас, уни бошқа бир неча кишилар билан бир қаторда Петербургда ўтадиган шарқшуносларнинг Жаҳон конгрессида вакил қилиб юборган эдилар. Шу муносабат

билан унинг ички Россияга қилган сафари ҳамда шарқшуносларнинг Жаҳон конгрессида қатнашуви, рус ва европа олимлари билан яқиндан танишуви унда жуда чуқур таассурот қолдирган эди. У ўзининг шу сафари маҳалида Туркистонни Россия билан таққослаб, унинг Европа мамлакатларига нисбатан нақадар орқада, жаҳолат ва қолоқлик ичида қолиб кетгани, бу ҳолатдан чиқариш ва ўз халқини маърифатли қилиш учун руслардан ибрат олиш, биринчи галда эса, уларнинг тилини ўрганиш зарурлигини ва умуман европа таълимининг юксак аҳамиятини яна ҳам чуқурроқ англаб етган эди. Шунинг учун ҳам Сатторхон рус тили ва рус фанини, рус маданияти ва мактабини ўз ватандошларига тарғиб ва ташвиқ қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билиб, бу ишга яна ҳам қаттиқроқ бел боғлаб киришган эди.

Эндиликда Сатторхон ишлаб турган жойи — Қўқон шаҳрида ҳам худди Чимкент шаҳрида бошдан кечирганлари сингари аҳволга дуч келади. Бу ердаги вазият ҳатто Чимкент шаҳридаги вазиятга қараганда яна ҳам оғирроқ, яна ҳам мураккаброқ эди. Чунки Қўқон асрлар мобайнида хонлиқнинг маъмурий ва диний маркази бўлиб келгани учун ҳам бу ерда уламолар ва шариат пешволари, шунингдек, кўплаб мутаассиб руҳонийлар ва фанатик эшонлар тўпланган эди. Улар рус тилигагина эмас, ҳатто руслар келтирган ҳар қандай янгиликка ҳам тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатар эдилар.

Сатторхон янги иш жойи — Қўқон шаҳрида ҳам аҳд қилган йўлидан қайтмади. Диний фанатизм авж олган мана шундай хатарли вазиятда ҳам у рус тилини ўрганишни «улуғ иш» деб билиб, ўз ватандошларини бу тилни ўрганишга, шу йўл билан Европа халқларининг илмий ва маданий бойликларидан баҳраманд бўлишга даъват этди.

«Мен,— деб шикоятмуз ёзади Қўқонда ишлаган чоғларини эсга олиб Сатторхон,— ҳар вақтда мусулмонларни ўз фойдамиз учун русия тилини ўрганмоқликнинг зарур эканлигини баён қилур эрдим, зероки, русия тили бизга ҳукумат жорий қилиб тургон русия халқининг тилидур деб. Ул вақтларда Хўқанд халқи ўшандоқ улуғ ишнинг (яъни, рус тилини ўрганишнинг) фойдасини чандони фаҳмламас эрдилар. Зуъмҳол (фанатик) муллалар ҳам манинг ҳайриятимни қилмас эдилар. Аларга барча янги тартиблар бегона ва ваҳший кўринур эрдилар. Агар ул аҳволларда дарвоқе яхши ва ёмонни(нг) фарқиға бормас эрдилар» (1890 йил, 32-сон).

Зотан, Россия қарамоғида протекторат ҳолида турган Қўқон хонлиги эндигина (ўша 1876 йилнинг ўзида) тугатилиб, аллақачонлар Чор Россиясининг мустамлакасига айлантирилган, Туркистон ўлкасига қўшиб олинган эди. Шунинг учун ҳам, эндигина тугатилган бу хонлик территориясида руслар келтирган ҳар қандай янгиликка душманлик кўзи билан қарар эдилар. Бу дастлабки вақтларда, айниқса хонлик давридаги имтиёзларини йўқотган бой-феодаллар, мутаассиб руҳонийлар аҳоли ўртасида «ко-

⁸ «Туркестанские ведомости», 1902 йил, 15-сон.

фир» русларга ҳамда уларнинг тилини ўрганишга қарши турли-туман иғво ва фисқу фужур тарқатишга уринар эдилар.

Сатторхоннинг хотираномасида келтирилган маълумотлардан, шунингдек, архив материалларидан аниқланишича, ўша маҳалларда Қўқон шаҳрида биттагина икки синфли рус мактаби бўлган. Унда асосан рус болалар бўлиб, маҳаллий кишиларнинг болалари қарийб йўқ даражада эди⁹. Рус тили ва Европа таълимининг юксак аҳамиятини тушунган Сатторхон бу ерда ҳам мазкур рус мактабига маҳаллий аҳоли болаларини кўпроқ жалб қилиш тарафдори бўлиб чиқади ва шу мақсадда у аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради.

Бу вазиятдан, маҳаллий аҳолининг рус мактабларига ишончсизлик билан қарашидан ташвишланган маҳаллий чор маъмурлари, жумладан, Фарғона область ўқув юртлари инспектори ҳам ўз навбатида бу масалада «ғамхўрлик» кўрсатиб, маҳаллий аҳолига таъсир қилиш мақсадида Сатторхонни Қўқон шаҳар рус мактабининг фахрий назоратчиси қилиб тайинлаш ҳақида 1878 йилда ўлка бошлиқларига тавсиянома билан мурожаат қилдилар.

Туркистон ўлка маъмурлари эса, ўз навбатида, бу масала юзасидан Россия Маориф министрлигига мурожаат қилдилар. Ана шундай қилиб, «мусулмон болаларини рус мактабларига кўпроқ жалб қилиш мақсадида» Россия Маориф министрлиги 1879 йилда Туркистон ўлка маъмурларининг тавсияси билан Сатторхонни Қўқон шаҳридаги икки синфли рус мактабига фахрий назоратчи (почётный смотритель) қилиб тайинлайди¹⁰. Бу ҳақда Сатторхоннинг ўзи қуйидагиларни ёзади: «1879 йилда Фарғона музофотида барча мадраса ва мактабхоналарнинг нозирни Хўқанд шаҳридаги русия мактабхонасига мани пачотний исмотрител, яъни иззатлик нозирлик мансабига тайин қилмоқ учун тараддуд қилди. Жаноби Туркистон гинерал губирнотури мазкур тараддудни қабул кўруб, жаноби вазири илмияға (Маориф министрига) мани Хўқанд шаҳридаги мактабхонаға иззатлик нозирлик мансабиға тайин қилиш фойдалиқ деб, ўз фаҳмларини изҳор қилдилар ва ул фаҳми Русия мадраса ва мактабхоналар маҳкамаси бажо келтурди. 1879 йилда... апрелнинг 30-нчи кунда мани Хўқанд шаҳридаги русия мадрасаға иззатлик нозирлик мансабиға фармойиши олий бирлан мустаҳкам қилдилар»¹¹.

Сатторхонга фахрий унвон берилиши муносабати билан Фарғона область ўқув юртлари инспектори Граменицкийнинг 1879 йил 8 февралда Туркистон ўлка ўқув юртлари бошқармасига юборган мактубида, жумладан, шуларни ўқиймиз: «Абдусаттор қози Европа таълимининг юксак аҳамиятини тушунган одам сифатида ўзининг хизматда тутган мавқен ва обрўйи ҳамда маъ-

⁹ ЎзССР Марказий Давлат архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 1678-дело, 7-варақ.

¹⁰ Ўша жойда.

¹¹ Ўша жойда.

навий қиёфаси билан Қўқон аҳолиси ўртасида рус мактабининг муваффақият қозонишига, шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатади». (1890 йил, 32-сон).

Албатта, Сатторхон ўзининг европача таълим системасига бўлган ижобий муносабати (реакцион руҳонийларнинг қаршичилигига қарамасдан), рус тили ва рус маданиятини ўз ватандошлари ўртасида тарғиб қилиб келганлиги туфайли бу фахрий унвонга мушарраф бўлган эди. Бу ерда шунинг ҳам унутмаслик керакки, Сатторхон ўз халқини маърифатли қилиш, илғор рус маданияти ва рус фанининг ютуқларидан баҳраманд этиш сингари соф пият, олижаноб мақсадни назарда тутса, чор мустахлакчилари эса рус мактаблари орқали маҳаллий аҳолини руслаштириш сингари нозик ва пинҳоний сўлатни кўзда тутар эдилар.

Бироқ Сатторхон, чор маъмурларининг бу тadbирдан кузатган мақсадларидан қатъи назар, рус мактабининг фахрий назоратчиси сифатида ҳалоллик ва ўз халқига садоқат билан фаол иш олиб боради. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, аҳоли ўртасида рус тилининг аҳамияти ва уни маҳаллий аҳоли болаларни ўрганиши зарурлиги, бунинг учун эса аҳоли ўз болаларини қўрқмасдан рус мактабига бериши кераклиги ҳақидаги тушунтириш ишларини давом эттиради, мутаассиб руҳонийларнинг рус мактаблари масаласида аҳолини чалғитиш, йўлдан оздиришга қаратилган шум ҳаракатларига қарши тинмай кураш олиб боради.

Сатторхоннинг тутган илғор позицияси, шубҳасиз, маҳаллий кишиларда рус тили ва рус мактаблари ҳақида тўғри тушунча ҳосил қилишга, рус мактабларига нисбатан уларда ишонч туғдиришга ёрдам берар эди. Архив ҳужжатларидан бирида бу ҳақда шундай дейилади: «Қўқон шаҳар (рус) мактабининг фахрий назоратчиси вазифасида ишлаб келган Сатторхон Қўқон маҳаллий кишилари ўртасида рус мактаблари ҳақида тўғри, ҳаққоний фикрлар тарқатишда ва бу мактабларининг мусулмон болаларни учун келтирадиган фойдасини тушунтириб, уларда ишонч туғдиришда кўп ишлар қилди»¹².

Булардан ташқари, Сатторхон Қўқон рус мактабига бошқа соҳаларда ҳам ёрдам беради. Мактабининг ички ҳаёти билан ҳам қизиқиб, яқиндан танишади ва ҳар томонлама кўмаклашишга интилади. Мактабининг илғор педагоглари билан мунтазам алоқада бўлади. У мактабининг педсовет мажлисларида ҳам актив қатнашиб, бу мажлисларда мазкур мактабга маҳаллий аҳоли болаларидан кўпроқ жалб қилишни ёқлаб чиқади. Бунинг Сатторхоннинг хотираномасида ёзган қуйидаги сўзларидан, очиқ-ойдин англаш мумкин: «Хўқанд шаҳридаги мадрасада 1886 йил бирийчи августгача иззатлик нозирлик мансабида турдим. Хўқанд шаҳрида тургон вақтда ул мадрасанинг мутассаддиси машиқия тиллари таълим бериладурғон мадрасанинг кандидати (шарқ тиллари факультетининг кандидати — О. У.) жаноби

¹² Ўша жойда.



Юрашкевич мани Хўқанд мусулмонларининг болаларини русия мактабхонасига тарғиб қилмоқ хусусида бўладургон илмия мас-лаҳатиға (педсовет мажлисларига) таклиф қилиб турар эди» (1890 йил, 33-сон).

Сатторхоннинг Қўқон шаҳрида аҳоли ўртасида рус тили ва рус мактабини тарғиб қилиш соҳасидаги хизматлари Туркистон ўлка ўқув юртлари бош инспекторининг 1887 йилги ёзишмала-ридан бирида шундай якунланган: «Чимкентлик, Қўқон шаҳри-нинг собиқ қозиси Сатторхон... 1879 йил 30 апрелдан 1886 йил биринчи августгача, яъни мазкур мактабнинг ёпилишига қадар Қўқондаги мактабнинг (рус мактабининг) фахрий назоратчиси бўлиб ишлади... Гаффоров Қўқонда яшаган даврида ерликлар ҳи-собиға ўқувчилар сонини кўпайтиришга ёрдам берди ва умуман Қўқон мактабига бошқа соҳаларда ҳам кўмаклашди ҳамда Қўқон шаҳар маҳаллий аҳолиси ўртасида рус мактабларига ва мактабларнинг мусулмон болалари учун келтирадиган фойда-сига ҳақиқий қизиқиш уйғотишга мадад берди»¹³.

Бироқ Сатторхонга Қўқон шаҳрида узоқ туриш мумкин бўл-май қолади. Реакцион руҳонийларнинг, шунингдек, адолатли, халқпарвар, камбағалпарвар қози бўлганидан кўпинча зарар кўрган ёки унинг бу фазилатларидан манфаатдор бўлмаган бой ва зодагонларнинг Сатторхонга қарши иғво ва фисқу фужурла-ри, ҳатто махсус уюштирган тўхматлари шу қадар кучайиб ке-тадики, охири, у 1881 йилда қозилик ишидан воз кечиб, Қўқондан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Чунончи, архив материаллари ичида Сатторхоннинг Қўқон шаҳрида қози бўлиб турган маҳалида унинг устидан тушган ши-коят ва чор маъмурларининг бу шикоят устидан олти ой мобайни-да олиб борган текшириш ишлари ҳақидаги ҳужжатлар ҳам сақ-ланган. Сатторхонни порахўрликда айблашга қаратилган ва 39 киши имзо чеккан бу шикоят текшириш натижасида қасддан уюштирилган қалбаки ҳужжат ва атайин қилинган тўхмат бў-либ чиқади. «Даъвогарлар», ҳақиқатда, Сатторхоннинг шарият йўлини қаттиқ тутмаганлиги учунгина (яъни унинг рус тили, рус маданияти ва европача тартиб тарафдори бўлгани учун) ундан норози бўлганликларини эътироф қиладилар¹⁴.

*
*

Маълумки, Туркистонда XIX асрда рус тили ва рус мадания-тига муносабат масаласи биз тилга олиб ўтган Чимкент ва Қўқон шаҳарларидагина эмас, балки бутун ўлкада, бошқа маса-лалар билан бир қаторда, жамоатчиликнинг диққат марказидаги

¹³ ЎзССР Марказий Давлат архиви, 47-фонд, 1-руйхат, 1679-дело, 25-варақ.

¹⁴ Қаранг: ЎзССР Марказий Давлат архиви, 1008-фонд, 1-руйхат, 42-дело, 47—78-варақлар.

масалалардан эди. XIX асрнинг 80-йилларига келиб, айниқса, ўл-када рус-тузем мактаблари очила бошлаши муносабати билан бу масала яна ҳам кескин тус олган эди.

Бу даврда жамиятнинг реакцион табақалари, хусусан шарият пешволари «кофир», «ғайридин» русларга ва уларнинг тилини ўрганишга қарши курашларини яна ҳам авж олдириб юборган эдилар. Ҳатто шарият пешволари: «рус тилини ўрганиш — худо-нинг амрига қарши нарсадир», «Уни ўрганиш шариятга, мусул-мончиликка хилоф» деб фатво ҳам берган эдилар. Шунга кўра, бу даврда ҳам мутаассиб руҳонийлар таъсири туфайли, маҳаллий аҳоли ўртасида рус тилини ўрганиш, русча таълим олиш мусул-мон дини ва дунёқарашларига тўғри келмайди, деган фикр ҳамон ҳукмрон эди.

Ана шунинг натижасида рус тили ва рус маданиятини ўрга-нишга қизиққан ва интилган кишилар реакцион руҳонийлар то-монидан таъқиб остига олинар ва бундай кишилар «кофир» деб эълон қилинар эди. Илгор кишиларнинг рус тилини ўрганишга бўлган олижаноб интилишлари кўпинча ёмон оқибатларга олиб келарди. Ўз халқини маърифатли қилишга интилган, рус тили ва Европа маданиятини тарғиб қилган Сатторхоннинг ўзи ҳам оқибатда «чўқинди», «чўқинган қози» номини олади, бу ҳам ана шу реакцион руҳонийлар олиб борган тескари ташвиқотнинг натижаси эди. Шу муносабат билан атоқли ёзувчи Садриддин Ай-нийнинг «Эсдаликлар»даги реакцион руҳонийлар таъқибига дучор бўлган мулла Туробнинг фожиали тақдири ҳақидаги тас-виротини эсга олиб ўтиш ўринли бўлур эди¹⁵.

Сатторхон бу даврда ҳам ўз курашини изчиллик билан да-вом эттиради. Унинг бу даврда Тошкент шаҳрида ишлаши бу олижаноб курашни кенгроқ миқёсда — матбуот саҳифаларида олиб бориш имкониятини туғдирар эди. Айниқса, у 80-йилларнинг бошларидан, яъни Тошкентда «Туркистон вилоятининг газети» редакциясида ишлаб бошлаганидан бошлаб, ўзининг маърифат-парварлик, рус тили ва рус маданияти учун олиб бораётган кура-шини яна ҳам кучайтириб юборди. Бу янги шароит ва қулай имкониятдан фойдаланиб, Сатторхон «Туркистон вилоятининг газети» ҳамда русча газета ва журнал саҳифаларида ўз халқи-ни рус тили ва рус маданиятини ўрганишга даъват этувчи қатор мақолалар билан чиқади.

Сатторхон мазкур мақолаларида ҳам Туркистонда рус тили-нинг тарқалишига ва маҳаллий аҳоли томонидан ўрганилишига тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатиб келаётган реакцион руҳо-нийлар ва шарият пешволарига қаттиқ зарба бериш йўли билан ўз халқини маърифат ва тараққиёт йўлига солишга интилади. Шунинг учун ҳам у, аввало, илм-фанни эгаллашда рус тилигина эмас, балки барча тиллар тенг ҳуқуқли эканлигини, уларнинг ҳар биридан фойдаланиш мумкинлигини исботлаб беришга ҳаракат

¹⁵ Қаранг: Ай н и й С. «Эсдаликлар», Тошкент, 1958.

қилади. Сатторхон шарият пешволарига ишора қилиб, «биз халқдин баъзи мусулмонларимиз русия тилини ўрганмоқ керак эмас деб айтган эмиш. Ва лекин аларнинг бу сўзлари беасилдур. Зероки... илм ҳосил қилмоқда ҳар қандоқ тил бўлсун баробардур», дейди. Сўнгра у бу фикрини яна ҳам чуқурлаштириб ва конкретлаштириб, шундай ёзади: «... илм ҳусули ўрганмоқ ва ўқумоқ бирлан бўладур. Ва бул ўрганмоқ ва ўқумоқ қайси бир тилда, яъни хоҳ мусулмон, ва хоҳ насорий (славян тиллари) ва хоҳ жуҳуд ва бошқа тил бўлсун баробардур» (1887 йил 6-сон).

Сўнгра, Сатторхон бу хурوفотчилар ва дин пешволарининг даъволари нақадар пуч, ҳатто дин нуқтан назаридан ҳам тамоман асоссиз эканлигини жуда ишонтирарли ва ажойиб тарихий фактлар билан исботлаб, бу реакцион руҳонийларни шафқатсиз фош этиб ташлайди.

Аввало у бошқа диндаги халқларнинг тилларини ўрганиш гуноҳ, шариятга хилоф эмаслигини яҳудий, юнон тиллари, хусусан араб тили мисолида кўрсатиб беради. «Тамомий мусулмон уламоларга маълумдурким,— деб ёзади Сатторхон,— таврот ва инжил араб тилида эмас, балки ибрий (қадимги яҳудий) ва юнон тили бирлан ёзилгондур; ва араб тили Муҳаммадалайҳиссалом вақтларигача бутпарастлар тили эрди ва ул бутпарастлар ислом динини билмас эрдилар. Шул сабабдан агар бирор бошқа диндаги халқ тили бирлан дин ва бошқа дунявий муомалалари хусусида сўзлашмоқ ва ул тилни ўқимоқ (ўрганмоқ) гуноҳ бўлса эрди, худон таоло қуръони шарифни араб тили бирлан юбормас эрди» (1887 йил, 7-сон).

Ўрта Осиё тарихини жуда яхши билган Сатторхон эронийлар ва туркий халқларнинг ўтмиш тарихидан ҳам далиллар келтиради.

Сатторхон ўтмиш тарзидан келтирган далиллари билан кифояланиб қолмасдан, яна у ўзи яшаб турган даврдан ҳам мисол ва далиллар келтириб, бошқа диндаги халқларнинг тилларини, шу жумладан рус тилини ўрганиш динга, шариятга хилоф эмаслигини яққол кўрсатиб беради.

Бу ўринда, у аввало, ўша даврда ислом оламининг маркази бўлиб турган Истанбул шаҳрини мисолга олади ва унда бошқа диндаги халқларнинг, яъни европаликларнинг тилларини ўрганиш учун махсус олий ўқув юртлари ва мактаблар очилганини, ҳатто ҳалифанинг ўзи ҳам бу тилларни ўрганганини қайд қилиб ўтади: «...мусулмон подшоҳларининг энг улуғи жаноби ҳазрати султон халифа Европо халқларининг тилларини ўқуб, ўрганиб, у тилларда ўзлари сўзлашиб, Исломбул (Истанбул) шаҳридаги мусулмонларга ул тилларни ўрганмоқ учун алоҳида мадраса ва мактабхоналар очдургондурлар» (1887 йил 7-сон).

Сўнгра Сатторхон Туркистон ҳаётидан ҳам ёрқин далиллар келтириб, шарият пешволарига шундай мурожаат қилади: «...бизнинг Туркистон вилоятимиз Русия мамлакатига тобе бўлмасдин илгари баъзи савдогарларимиз Русиянинг ичкари мамлакатлари-

даги шаҳарларга (ички Россия шаҳарларига) бориб, русия тилларини ўрганиб, магар алар ул тилда сўзлашмагон эдиларму? Ул асрдаги мусулмон подшоҳларимиз ё уламоларимиз у тилда (рус тилида) сўзлашмоқ гуноҳдур деб манъ қилгон эмаслар. Биргина расмий савдогарларимиз эмас,— деб сўзини давом эттиради Сатторхон,— ҳатто бизнинг Туркистон вилоятдаги бурунги хонлар аксар уламоларнинг муришиди (йўлбошчиси), ҳаммага маълум ҳазрати Миён Халил марҳум мундин (рус тилидан) бошқа ушбу вақтгача бутпарастлик қиладургон ушбу жойдаги ҳиндулар бирлан ҳинду тилида сўзлашгучи эрдилар. Ва ҳам ул жаноб Русия мамлакатига элчи бўлиб бориб, русия тилини ҳам ўрганган эрдилар. Ул жанобнинг ҳиндулар бирлан ҳинд тилида сўзлашганларини ўз қулоғимиз бирлан эшитгандурмиз» (1887 йил, 7-сон).

Ўша маҳалларда бошқа бир ўзбек зиёлиси — Марғилон рус-тузем мактабининг домласи Ҳакимқори деган киши ҳам рус тилини ўрганишга тиш-тирноғи билан қарши чиққан шарият пешволарига қарата ёзган бир мақоласида Сатторхоннинг аини шу фикрини такрорлаб, у ҳам мазкур Миён Халилни мисолга олади. Бу ҳақда у шундай маълумот беради: «Ул зоти шарифнинг авсофи ҳамидалари (яхши фазилатлари) кунчиқардин кунботарга (ча) ҳамма ҳалойиққа маълум эрди. Ва ул жаноб базабони насроний (славянча, яъни русча) ва ибрийчага (яҳудийчага) тайёр эрдилар... русия забонини ўрганган билан кишига зарар бўлса эрди, ўшандоқ зоти шариф Миён Халил бул тилни ўрганмас эрдилар» (1888 йил, 29-сон).

Ҳақиқатан ҳам Ўрта Осиё хонликларида Россия давлатига элчи бўлиб борганлар ичида рус тилини ўрганишга қизиққан кишилар бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиёни чор мустамлакачилари истило қилганга қадар туркистонлик айрим савдогарлар ҳам савдо ишлари билан ички Россия шаҳарларига тез-тез бориб турганлар ва шу жараёнда улар рус тилини ўрганганлар. Улар рус тилини ўрганишни гуноҳ деб билмаганлар, аксинча, ўз фойдалари учун уни ўрганишга интилганлар.

Сатторхон шарият пешволари ва мутаассиб руҳонийларнинг рус тилига нисбатан реакцион қарашларини ишонтирарли, ўткир далиллар ва тарихий фактлар асосида фош этаркан, ўз ватандошларига мурожаат қилади: «Бу юқорида айтилгон фикрларни шунинг учун мухбир қилдимки, бу газет ўқугучи ҳурматлик мусулмонлар ўзлари фаҳмлаб кўрсунларким, русия тилини ўрганмоқ бизнинг шариятимизга ҳеч хилоф эмаслиғи не тариқада мудаллал бадалилдур (далиллар билан исбот қилингандир)» (1887 йил, 7-сон).

* * *

Сатторхон ўз ватандошлари ўртасида дунёвий фанларни улуғлаб, тарғиб қилар экан, аини маҳалда қандай қилиб бу фанларни

ўрганиш ва улардан баҳраманд бўлиш йўлини ҳам кўрсатиб беради. Унинг фикрича, дунёвий фанларни ўрганиш ва улардан баҳраманд бўлишнинг бирдан-бир асосий воситаси рус тилидир. «Бас, бизларга лозимдурким,— деб ёзади у.— улуми дунявийни ул халқдин (рус халқидан) ўрганиб, ўшандоқ фойдалиқ ишларнинг мавжуд бўлушига саъй қилсоқ ва мунини ўрганмоққа аларнинг тилларини билмоқ боиси аъзамдур. Булсиз ҳеч илож йўқдур» (1885 йил, 11-сон).

Шу билан бирга у, рус тилини ўрганишнинг икки томонлама фойдасини қайд қилиб ўтади. Рус тилини ўрганиш, биринчидан, русларнинг фан ва техника соҳасида эришган ютуқларидан баҳраманд бўлиш имкониятини берса, иккинчидан, бошқа халқларнинг, яъни Европа халқларининг ҳам бу соҳада қозонган ютуқларидан ҳам баҳраманд бўлиш имкониятини беради. У шундай ёзади: «Ўрусия тилини ўрганиб, аларнинг китобларида ўзлари топқон илмлар ва бошқа халқдан ўрганган илмларни бизлар ҳам билиб, тирикчилигимизга нафи етатирган илмларни бизлар ҳам ўз фойдамизга жорий қилар эрдук» (1883 йил, 3-сон).

Шундай қилиб, Сатторхон ўз халқини маърифатли қилиш ва тараққиёт йўлига чиқаришда ҳамда Европа халқларининг фан ва техника соҳасида эришган ютуқларидан баҳраманд этишда рус тилини асосий восита деб билади. Унинг рус тилига нисбатан бу олижаноб, прогрессив қараши ўз замондошлари бўлмиш шарқ халқлари улуг намояндаларининг қарашларига жуда ҳам монанд ва ҳамонанг эди. Чунончи, улуг Озарбайжон мутафаккири ва олими Мирза Фатали Охундов рус тилини Шарқ мамлакатларида маърифат ва тараққиётга йўл очиб берувчи восита деб билди. Шунингдек, Сатторхонга замондош бўлган буюқ қозоқ ёзувчиси Абай 1894 йилда бу ҳақда шундай ёзган эди: «Рус тилини ўрганиш керак. Чунки илму ҳикмат, санъат, адабий бойлик ва бошқаларнинг ҳаммаси рус халқидадир... агар рус тилини билсанг, ҳамма нарса сенинг кўз олдингда ярақлаб намоён бўлади»¹⁶.

Сатторхоннинг замондоши ва дўсти бўлмиш маърифатпарвар-демократ шоир Фурқат ҳам рус тилига ижобий муносабатда бўлиб, мамлакатни обод қилиш ва тараққиёт эттириш воситаларидан бири сифатида ватандошларини бу тилни ўрганишга даъват этди.

Сатторхон рус тилининг практик аҳамиятига ҳам жуда катта эътибор берар эди. Унинг фикрича, рус тили дунёвий фанларни эгаллашга йўл очиб берувчи воситагина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, у ўзбекларнинг рус халқи билан алоқа қилишларида, руслар билан яқинлашувида ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у рус тилининг бу олижаноб объектив фазилатини, уни ўрганишнинг ҳаётий зарурлигини кундалиқ турмуш-

дан конкрет мисоллар келтириш асосида ўз ватандошларига батафсил тушунтириб беришга ҳаракат қилади.

«Агар,— деб ёзади Сатторхон,— ўрусия тилини ўзимиз билмасоқ ва болаларимиз билмасалар, бизлар ҳар тўғрида қийинлик ҳолда бўлуб ҳар вақтда зарар ва зиён тортсоқ керак. Масалан, ҳар вақтда бизлар ўрусия халқи билан аралашиб ва ишлашиб турамыз. Нечукким, бизларга алҳол ҳукумат юргузуб тургон ўрусия халқидир. Бошимизга бир иш ва даъво ва жанжал тушса, албатта, ноилоҳ ҳокимларга бормаё бўлмайду. Ҳокимларга арз қилганда ўзимиз ўрусия тилини билмаган сабабдан бизлар билан ҳокимлар ўртасида бир таржимон туруб, бизларнинг арзимизни ҳокимларга айтаду. Агарчандики, ул таржимон мусулмонлардин ва ниҳоят даражада инсофлик ва тўғри, ва тилларни яхши биладургон одам бўлса ҳам, лекин ул таржимон ҳеч бир вақт арз қилгучининг аҳволини ва ҳасратларини айни ўзи айтгани билан таржимоннинг айтганини ўртасида албатта кўп фарқи бордур. Шул сабабдан аксар вақтлар бизлар кўп зиёнлар кўрамыз» (1883 йил, 6-сон).

Дарҳақиқат, бу даврда рус тили Ўрта Осиё халқлари орасида ҳали жуда кам тарқалган эди. Дастлабки вақтларда эса ўзбеклар билан руслар ўртасида ҳаётий зарурат туфайли бўладиган алоқаларда, ҳатто савдо-сотиқ ишларида ҳам ўртада кўпинча бирон таржимон воситачилик қилар эди. Юқорида айтганимиздек, реакцияон руҳонийларнинг аҳоли ўртасида русларга ва уларнинг тилини ўрганишга нисбатан душманчилик ҳаракатлари рус тилининг маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарқалишига анча ҳалақит берарди. Бироқ, маҳаллий аҳолининг руслар билан алоқа қилиш зарурати, айниқса савдо-сотиқ ишлари рус тилини ўрганишни тақозо қилар эди. Сатторхон ана шу ҳаётий заруратдан келиб чиқиб, «бизларга ўрусия халқи билан ҳар вақтда учрашиб, савдо хусусида ва бошқа тўғриларда сўзлашмак ва баҳс-жавоб қилишмоқ керак бўлуб турубдур», деб ёзади «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1883 йил, 3-сониди.

Лекин Сатторхон ўз ватандошларига руслар билан алоқа қилиш учун уларнинг фақат оғзаки, сўзлашув тилинигина билиш кифоя қилмаслигини, шу билан бирликда русча ёзувдан ҳам савод чиқариб, русча ёза билиш зарурлигини ҳам ҳаётдан олган конкрет мисоллар ва далиллар билан исботлаб беради. Бу ҳақда у шундай дейди: «Маҳзи ўрусия тилини билмоқ бирлан тамоми муддаоларимиз жойини етмайду, балки ўрусия хатини билмоқ ҳам бизларга зарурдир. Нечукким, бизларнинг ҳар қайсимишга аксар вақт ҳокимларга арза бермоқ ва ҳар хил восита ва хатлар битмоқ керак бўлуб, бизлар бу ҳолда бир ўрусия хатини биладургон одамга муҳтож бўлуб, анга пул беруб, бир неча вақтлар овора бўлуб юрамыз. Аммо ўзимиз билган вақтда бул тариқа чиқим ва оворалик бўлмас эрди. Ва ўрусия халқи билан савдо қилишиб, ул хусусида ва ёки ул халққа пулимиз тушуб тилхат олган вақтларимизда, албатта ўрусия хати бирлан тилхат ва ва-

¹⁶ Абай, Шигармаларини толық жыйнағы, Алмааты, 1945, 349—350-бетлар.

сиқалар бериладур. Ўзимиз ўрусия хатини битмаган сабабдин ул олинган хатлар хусусида ҳар хил шубҳага қолиб турамыз. Агар,— деб давом эттиради ўз фикрини Сатторхон,— ўзимиз ва авлодларимиз ўрусия тилини ва хатини ўргансак, бу тариқа мушкул ҳоллар ҳаммаси йўқ бўлур эрди» (1883 йил, 6-сон).

«Бундин бошқа,— деб ёзади Сатторхон яна,— бизлар ушбу замонда ўрусия халқи бирлан бир мамлакатда бир подшоҳнинг тобеи бўлур турғонимиз сабабдин Туркистон вилоятининг гийрол губерютурининг ва уёзной (уезд) ҳокимларининг фармойишларини ўқуб билмоғимиз зарурдир» (1883 йил, 3-сон).

Шу билан бирга Сатторхон рус тилини ўрганишдан кузатилган асосий мақсадни, яъни рус тилининг ўз халқини маърифатли қилиш ва дунёвий фанларни эгаллашдаги муҳим воситачилик ролини бу ўринда ҳам ватандошларига мурожаат тарзида такрор таъкидлаб ўтади. «Охирил амр,— деб ёзади шу ҳақда Сатторхон,— ўрусия тилини ва хатини билмоқ мундин бошқа фойдалар бизларга келтурур эрди. Нечукким, ўрусия хати ва тилини билганимиздан сўнг, ул халқни(нг) ҳар хил улуми дунявия баён топилган китобларини ўқуб, ўзимизнинг тирикчилигимизга тааллуқ нимарсаларни ҳосил қилар эрдук» (1883 йил, 6-сон).

Сатторхон рус тилини улуғлар ва уни ўрганиш зарурлигини ўз ватандошларига тарғиб қилар экан, айни маҳалда у қандай йўллар билан рус тилини ўрганиш йўлларини ҳам кўрсатиб беради.

Аввал бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, Ўрта Осиёнинг чор Россиясига қўшиб олинганга қадар савдо ишлари билан ички Россияга бориб турувчи битта-иккита айрим савдогарларгина зарурат туфайли рус тилини ўрганган эдилар. Эндиликда эса Ўрта Осиёнинг чор Россияси давлатига қўшиб олиниши муносабати билан Ўрта Осиё халқлари, чор мустамлакачиларининг кузатган мақсадларидан қатъи назар, рус халқи билан бевосита алоқа қила бошлаган эдилар. Бу тарихий воқеа объектив суратда рус тилини ўрганиш заруриятини келтириб чиқарар эди. Шунинг учун ҳам Сатторхон бу тарихий воқеани ижобий баҳолаш билан бирга, руслар билан алоқа қилишдан ва рус тилини ўрганишдан ҳамон чўчиб турган ватандошларига масалани тўғри тушунтириб, уларга тасалли бериб, рус тилини эндиликда ўз ватанларида ўрганиш мумкинлигини кўрсатиб беради. Унинг фикрича, рус тилини ўрганиш учун асосий йўл— рус-тузем мактаблари эди.

Маълумки, ўтган аср 80-йилларининг ўрталаридан бошлаб Туркистоннинг айрим шаҳар ва қишлоқларида рус-тузем мактаблари очила бошлаган эди. Чор мустамлакачиларининг кузатган мақсадларидан қатъи назар, бу мактаблар маҳаллий аҳоли болаларига рус тилини ўргатишда, уларга элементар тарзда бўлса-да, дунёвий фанлардан маълумот беришда ижобий аҳамиятга эга эди. Шунинг учун Сатторхон ана шу мактабларни чин кўнгилдан табриклаб, «Туркистон вилоятининг газети»да бир қатор мақолалар ёзади ва бу мақолаларида маҳаллий аҳолини рус тилини ўрганиш учун ўз болаларини мазкур мактабларга бериш-

га даъват этиб чиқади¹⁷. Газета орқали маҳаллий аҳолига мурожаат қилиб, русларнинг дастлаб Тошкент шаҳрида мактабхона (рус-тузем мактаби) очиб, «илму фунун» уруғини сочганларини ёзар экан, ўз ватандошларини бундан баҳраманд бўлишга ундайди.

Сатторхон 1881 йилда «Туркестанские ведомости» газетасида ҳатто мадрасаларда ҳам мажбурий суратда рус тилини ўқитишни жорий қилиш масаласини кўтариб чиқади. Чунки у дунёвий фанлардан тамоман узоқда турган мадрасаларга ҳеч бўлмаганда рус тилини киритиш йўли билан ёш авлодни аста-секин дунёвий фанларга яқинлаштиришни ва бу йўл билан уни маърифатли қилишни орзу қиларди.

Маҳаллий аҳолининг мугаассиб қисми, хусусан эшонлар ва реакцияон руҳонийлар русларга, рус тилига ва руслар келтирган ҳар қандай янгиликка кескин қаршилик кўрсатиб турган бир маҳалда Сатторхоннинг бу интилиши ҳақиқатан ҳам унинг томонидан кўрсатилган жуда зўр жасорат эди.

Бироқ, Сатторхон ўз мақоласида, вазиятни назарда тутиб, рус тилини мажбурий суратда барча мадрасаларга киритиш мақсадга мувофиқ эмаслигини қайд қилиб ўтади (бунда у аҳолини чўчитмасликни назарда тутар эди). У рус тилини даставвал Тошкентдаги бир неча мадрасаларгагина киритиш керак, кейинчалик эса бу секин-секин бошқаларга ҳам сингиб кетади деб ўйлаган¹⁸. Бироқ, унинг бу орзуси амалга ошмайди. Чор маъмурлари мадрасаларга рус тилини киритиш масаласида «аралашмаслик сиёсатини» тутадилар.

* * *

Сатторхоннинг рус тили тўғрисидаги илғор, прогрессив фикрларини талқин қилар эканмиз, унинг рус тилини «бегона халқларни» руслаштиришда асосий восита сифатида фойдаланмоқчи бўлган руссификаторларга, шунингдек, рус тилини ўрганишга ва рус мактабларига қарши позицияда турган ерлик амалдорларга нисбатан унинг қандай муносабатда бўлганини ҳам кўрсатиб ўтишимиз зарурдир. Бу жиҳатдан Сатторхоннинг актив иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон съезди жуда характерлидир.

Маълумки, 1883 йил охирларида Туркистон ўлкасидаги шаҳар рус мактаблари муаллимларининг биринчи съезди бўлади. Съездда Самарқанд ва Чимкент шаҳарларидаги маҳаллий аҳоли болалари учун очилган дастлабки рус-тузем мактабларининг тажрибаси жиддий мунозарага сабаб бўлади. Чунки съездда муҳокама қилинган масалалардан бири— маҳаллий аҳоли болалари-

¹⁷ Қаранг: «Туркистон вилоятининг газети», 1885 йил, 11-сон; 1887 йил, 6-сон.

¹⁸ «Туркестанские ведомости», 1881 г., № 47.

ни рус мактабларига жалб қилиш чоралари ҳақидаги масала эди.

Сатторхоннинг бу соҳада анча тажрибага эга бўлганлиги, айниқса унинг бир неча йил давомида Қўқон шаҳрида очилган рус мактабининг фахрий назоратчиси лавозимида ишлаб келганлиги учун ҳам, уни маҳаллий аҳоли болаларини рус мактабларига жалб қилиш чоралари ҳақидаги масалани муҳокама қилиш учун съездга таклиф қиладилар. Чунки Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг бу дастлабки йилларида маҳаллий аҳоли рус мактабларига ишончсизлик билан қарар эди. Шунинг учун ҳам маҳаллий кишилар ўз болаларини рус мактабларига беришдан бош тортар эдилар. Илғор рус зиёлилари ва педагоглари маҳаллий аҳоли болаларини рус мактабларига жалб қилишда маҳаллий аҳоли ўртасида маърифат тарқатиш сингари самимий бир мақсадни кўзда тутсалар-да, бироқ чор мустамлакачилари, буткул бошқа бир мақсадни — маҳаллий аҳолини аста-секин руслаштириш сиёсатини амалга оширишни кўзда тутар эдилар.

Сатторхон съездда қатнашар экан, бу ерда ҳам рус мактабларига маҳаллий аҳоли болаларини мумкин қадар кўпроқ жалб қилиш тарафдори бўлиб чиқади ва бу йўлда халақит бериб келатган тўсиқларни бартараф қилишга интилади. У съездда рус мактабларининг маҳаллий аҳоли ўртасида эътибор қозонмаганлигининг асосий сабабларидан бири — диний ишончсизлик эканини кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга у чор маъмурларининг маҳаллий аҳолини мажбурий суратда руслаштириш сиёсатини қоралаб чиқади. Зотан, диний ишончсизликнинг туб сабаби ҳам шу эди.

Мазкур съезд мажлисларининг сақланиб қолган протоколида бу ҳақда шундай қайд қилинади: «Мазкур мажлисга таклиф этилган Қўқон шаҳар мактабининг собиқ фахрий назоратчиси Абдусатторхон, рус мактабларининг муаллимлари орасида мусулмонлар манфаатини кўзлайдиган ва ўзининг иштироки билан ерлик ёшларни тарбия қилишда уларнинг диний эътиқодларига зарар келтирмаслигини бўйнига оладиган ҳамда мажбурий суратда руслаштиришга интилишнинг йўқлигига кафил бўла оладиган шахсларнинг йўқлиги ерликлар, айниқса сартлар (ўзбеклар) ўртасида рус мактабларининг кенг тарқалмаслигининг асосий сабабларидандир деб ҳисоблайди»¹⁹.

Демак, бундан очиқ маълум бўладики, Сатторхон чор мустамлакачиларининг маҳаллий аҳолини руслаштириш сиёсатини ўз вақтида англаб етган ва бу сиёсатга қарши кураш олиб борган.

Сатторхон маҳаллий аҳоли ўртасида рус мактабларига нисбатан диний ишончсизлик билан қарашни йўқотиш ҳамда бу мактабларга ўз ватандошларининг болаларидан кўпроқ жалб қилиш мақсадида рус мактабларини маҳаллий тил ҳамда мусулмон динидан таълим берувчи муаллимлар билан ҳам таъминлашни

тавсия этиб чиқади. Протоколда бу ҳақда шундай ёзилган: «у (Сатторхон), рус мактабларига мусулмон муаллими киритилиб, унга ерликларнинг болаларини маҳаллий тилга — жойга қараб сарт (ўзбек) ёки қирғиз тилига ўргатиш ҳамда мусулмон динидан бошланғич таълим бериш вазифасини юклатилса, у вақтда маҳаллий кишиларнинг бу мактабларга нисбатан ҳамма таъкидлаётган ва ҳаммага маълум бўлган ишончсизлиги тугатилган бўлур эди»²⁰.

Сатторхоннинг бу таклифи съезд раисининг — ашаддий руссификаторлардан бўлмиш Миропиевнинг қаттиқ қаршилигига учрайди. Миропиев Сатторхоннинг ўз даври учун адолатли бўлган бу ҳаққоний талабини рад этиш учун, аввало у, Маориф министри томонидан тасдиқланган «Туркистон ўлка билим юртлари инспекторлари учун чиқарилган қўлланма»нинг 21-параграфиди ёзилган «Туркистон ўлкасидаги давлатга қарашли мактабларда мусулмон дини ҳам, мусулмон тили ҳам ўқитилмаслиги керак», деган низомномасини пеш қилиб келтиради. У Сатторхоннинг таклифига қарши ислом динининг ғайридинларга муносабатини пеш қилиб, «ўз динида фанатизмнинг мавжудлигини инкор қилувчи мусулмонларга ишонмаслик керак», деган даъвои олдинга суради²¹. Ҳолбуки, Миропиев бўрттириб кўрсатмоқчи бўлган диний фанатизм дастлабки йиллардагидек аҳоли ўртасида оммавий тус олмаган бўлиб, унинг аҳоли ўртасида тобора камайиб борганлигини, сон эътибори билан анча кўп бўлса-да, бироқ айрим табақаларда (хусусан реакцион руҳонийлар ва эшонларда) учрашини чор чиновникларининг ўзлари ҳам эътироф қилганлар. Жумладан, Туркистон генерал-губернатори Розенбах худди ўша йилларда Маориф министрига ёзган бир расмий мактубида айтиш мумкин шундай фикрни тақдорлаган²².

Съездда Сатторхон ҳам ўз фикрини қаттиқ туриб ҳимоя қилдики, унинг бу ҳаққоний олишуви съезд протоколида ҳам акс этган. «Сатторхон ўз фикрини ҳимоя қилиб, — дейилади протоколда, — «ҳақиқатан ҳам қуръоннинг ва шариатнинг баъзи саҳифаларида маълум даражада ўз динини маъқуллаш ва мусулмонларга хос бўлмаган ҳамма нарсани инкор этиш сингари фикрларни ифодаловчи иборалар бор, бироқ бу номатлуб фикрларни ўтакетган даражадаги диний таълимотлар қаторига киритиш керакки, ҳеч қандай диний таълимот бундан ҳоли эмас, ахир, бу ҳозирги вақтда фақатгина аҳолининг энг қолоқ ва ўтакетган мутаассиб табақаларининг ҳаётидагина учрайдиган ҳодиса эмас-ку», деган фикрни билдирди»²³.

Съездда рус мактабларида ишлай оладиган ва етарли маълумотга эга бўлган мусулмон муаллимларини топиш жуда қийин, деб баҳона кўрсатиб чиққан кишиларга ҳам Сатторхон тегишли

¹⁹ Ўша жойда.

²¹ Ўша ҳужжат, 18-бет.

²² Қаранг: ЎзССР Марказий Давлат архиви, 47-фонд, 4989-дело, 99-варақ.

²³ Протокол заседаний собрания учителей городских училищ Туркестанского края, с. 19.

¹⁹ Протокол заседаний собрания учителей городских училищ Туркестанского края (30. XII. 1883 — 3. I. 1884), Ташкент, с. 17 (мазкур протоколнинг бир нусхаси Навоий кутубхонасида сақланмоқда).

жавобни бериб ўтади. Унинг фикрича, бундай муаллимлар маҳаллий мусулмонлар орасида топилмаган тақдирда, уларни «Русиядан келганлар» («пришельцы из России») орасидан топиш мумкин. Сатторхоннинг таклифини прогрессив кайфиятда бўлган айрим муаллимларгина қувватлаб, съезднинг қолган қатнашчилари эса, Сатторхон таклиф қилган тадбирни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масаласида ўзларининг муносабатларини, қарашларини билдирмасдан, бетараф қоладилар.

Бундан ташқари, Сатторхон маҳаллий аҳоли орасида рус мактабларининг эътиборини ошириш, уларга ишонч кўзи билан қараш ва уларга маҳаллий аҳоли болаларини кўпроқ жалб қилиш мақсадида съезд қатнашчиларига мурожаат қилиб, яна бир тадбирни амалга оширишни таклиф қилади. Сатторхон томонидан таклиф қилинган бу тадбир — ерликларни маҳаллий-маъмурий лавозимларга тайинлаш учун ўтказиладиган мавжуд сайлов тартибини йўқ қилишдан иборат эди. Чунки, унинг фикрича, асрлар мобайнида мустаҳкам ўрнашиб қолган ва деспотик хонлар тузумига қўл келадиган бу тартиб макр ва ҳийла-найрангларга асосланган эди. «Хатто,— дейди Сатторхон ўз фикрини съезд қатнашчиларига исбот қилиб бераркан,— маҳаллий аҳолининг ижтимоий ҳаёти билан сиртдан, юзакигина танишилган тақдирда ҳам сайловда ҳал қилувчи овоз асосан бойлар ҳамда руслар келганга қадарги даврда катта нуфузга эга бўлган кишилар қўлида эканлигига назар тушмасдан иложи йўқ, уларда русларга нисбатан на ҳайрихоҳлик ўсиб мустаҳкамланди, ва на сиёсий мустақиллик ва ўтакетган даражадаги тор мусулмончилик традициялари унутилди»²⁴.

Ана шу тарзда ўтказиладиган сайлов тартиби амалда суниестеъмол манбаига айланиб кетар эди. Шу билан бирга бундай сайлов тартиби, Сатторхоннинг фикрича, рус тилини ўрганишнинг асосий воситаси бўлмиш рус мактабига ва умуман руслар келтирган янгиликларга ҳам жуда ёмон таъсир кўрсатади. Унинг айтишича, сайлаб қўйиладиган маҳаллий маъмурият, маҳаллий амалдорлар маҳаллий кишиларнинг ўз болаларини рус мактабларига жойлаштириш учун қилган ҳаракатларини йўққа чиқаришга, уларнинг бу соҳадаги интилишларини мумкин қадар бўғишга ҳаракат қилиб, ўтакетган даражада консерватизм руҳида иш кўрадилар²⁵.

Агар биз ўтган асрнинг 80-йилларида ҳамда 90-йилларнинг бошларида маҳаллий амалдорларнинг — элликбоши, мингбоши, волость оқсоқоли, қози ва бошқаларнинг рус-тузем мактабларига ўз болаларини жойлаштириш ўрнига пул, пора бериш эвазига камбағалларнинг болаларини бу мактабларга жойлаштирганларини эсга олсак, Сатторхоннинг бу ҳақдаги фикри нақадар тўғри ва ҳаққоний фикр эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Шундай қилиб, Сатторхон ўз ватандошлари орасида рус тилини ўрганиш масаласида фақат реакцион руҳонийлар ва шарият пешволарига қарши кураш олиб бориш билангина чекланиб қолмайди. Балки, у, айти маҳалда, рус тили ва рус мактабини «беғона халқлар»ни руслаштиришда асосий восита қилмоқчи бўлган мустамлакачи русификаторларга, рус мактабига ва рус тилини ўрганишга қарши зимдан кураш олиб боровчи ерлик амалдор ва мансабдор консерваторларга ҳам қарши кураш олиб борди.

* * *

Сатторхоннинг рус тили ва рус маданияти ҳақидаги прогрессив қарашларининг яна бир муҳим томони шундаки, у рус тилини икки халқ, яъни рус ва ўзбек халқларини бир-бирлари билан таништирувчи ва яқинлаштирувчи, уларни ўзаро дўстлаштирувчи муҳим бир восита, ҳар икки томонга ҳам фойда келтирувчи алоқа қуроли сифатида талқин қилади. Унинг фикрича, ўзбеклар рус тилини ўрганиш орқалигина рус халқи ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишлари ва бир-бирлари билан яқиндан танишиб, дўстлашувлари мумкин. «Бизлар,— деб ёзади Сатторхон,— ўрусия тилини билсак, ўрусия халқи бирлан ўзимиз сўзлашув турсоқ, ул вақтда бир-биримиз бирлан танишиб, бизлар кўп фойдалар кўрар эрдик. Бир-биримизнинг яхши билишиб танишмаган учун, худо билсун, бизлар ўрусия халқини не тариқа хаёл қиламиз ва ўрусия биз халқни не тариқада деб хаёл қиладур. Агар бир-биримизни яхши танишсоқ, ул вақтда иккала тарафга фойда бўлуб кўп яхшиликларга сабаб бўлур эрди» (1883 йил, 6-сон).

«Ҳосили калом,— деб ёзади Сатторхон,— биз Туркистон музофотидаги мусулмон халқиға ҳам юқорида мазкур бўлинган фойда ва боисларни хаёл қилган вақтимизда русия тилини ўрганмоқ ниҳоятда зарурдир» (1883 йил, 3-сон).

Шунинг учун ҳам у бутун Туркистонга баралла жар солиб, «Туркистон вилоятининг газети» орқали ўз ватандошларига шундай оташин чақириқ билан мурожаат қилади: «Ўрусия тилини билмоқ бизларга лозим ва зарур деган хаёл бирлан сиз иззатликларни фаҳмлари муваффақият қилса керак деб умид қиламиз ва ҳам ишонамизки, имкони борица ўзларингиз ўрусия тилини билмоқ тўғрисида хусусан фарзандларингизни ҳам ўрусия тилига ўргатмоқда тараддуд қилурсизлар деб. Агар ўрусия тилини бизлар ўзимиз билмасоқ ва болаларимиз билмасалар бизлар ҳар тўғрида қийинлик ҳолда бўлиб, ҳар вақтда зарар ва зиён топсоқ керак» (1883 йил, 6-сон).

Биз талқин қилаётганимиз масаланинг ажиб ва характерли томони яна шундаки, Сатторхон рус тилини улуғлаш ва ўз ватандошларига тарғиб қилиш билангина чекланиб қолмасдан, балки унинг ўзи ҳам бу масалада замондошларига ибрат бўларли ёрқин намуна кўрсатди. Рус тилининг практик аҳамиятига кўра,

²⁴ Ўша ҳужжат, 21-бет.

²⁵ Ўша ҳужжат, 20—21-бетлар.

одатдагидек, уни оддий ҳаваскор сифатидагина ўрганмади. Аксинча, у, рус тилини қунт билан муттасил ўрганиб, ўз билимини тобора чуқурлаштириб борди. Натижада, у бутун Туркистон ўлкасида ўзбеклар ичида биринчи бўлиб профессионал таржимонлик даражасигача ҳам кўтарилди (юқорида изоҳ бериб ўтганимиздек, у ўн йилдан ортиқроқ муддат «Туркистон вилоятининг газети» редакциясида таржимон бўлиб ишлайди). Туркистон ўлка ўқув юртлари бош инспекторининг 1887 йилги ёзишмаларидан бирида Сатторхоннинг рус тили ва рус адабиёти соҳасидаги билим даражаси тўғрисида шундай маълумот келтирилади: «...Сатторхоннинг рус тилини қай даражада билганлигига келсак, буним гимназия директорининг Сатторхонни Тошкентда энг яхши таржимон сифатида тавсия этганлиги очик кўрсатиб турибди. Сатторхон русча китобларни жуда кўп ўқийди ва ўзи ҳам билимдон одам. Унинг 1876 йилда шарқшунос олимларнинг Санкт-Петербургда бўлиб ўтган конгрессига вакил қилиб юборилганлиги бежиз эмас эди»²⁶.

Сатторхоннинг рус тилини қанчалик даражада мукаммал билганлиги яна шундан ҳам яққол кўринадики, у ўзининг бир неча асар ва мақолаларини, шу жумладан, Қўқон хонлиги тарихига онд асарини ҳам рус тилида ёзиб, русча журнал ва газеталарда эълон қилади. Бу жиҳатдан, Сатторхон рус тилида асарлар ёзган биринчи ўзбек олими сифатида ўша даврдаги рус тарихчи ва шарқшунос олимларининг диққатини ўзига тортган эди. Шунингдек, Сатторхоннинг рус тили ва рус адабиётига бўлган муносабати ўз даврида матбуот саҳифаларида ҳам маълум даражада акс эттирилган. «Сатторхон Абдуғаффорхон ўғли,— деб ёзади «Туркистон вилоятининг газети» 1893 йил, 26-сонидан,— Туркистон мамлакатидagi ўз асрида бўлгон нарўднўй судияларға қораганда ўзи бошқа алоҳида одамдур. Чунончи, русия тилини хўп яхши билиб, ва ҳам хатларини ёзадур. Ва русия(нинг) ҳар хил адабиёт китобларини ўқуғонида ҳам кўп яхши фаҳмлайдур. Русия тилини ва русия тартиб-қонунини билганлиги сабабли Сатторхонға кўп нафъи ва фойдаси етгандур. Агарда ғайри Туркистон вилоятидаги нарўднўй судиялар ҳам Сатторхон Абдуғаффорхон ўғлидек русия тилини билиб ва ўқуб, хатларини таҳрир айламакни билсалар эди, ўзига ва ҳам фуқароларға кўп нафъи ва фойдалари тегар эди, деб хаёл ва андиша қиламиз».

Сатторхоннинг вафоти муносабати билан мазкур газетанинг 1902 йил, 2-сонида босилган некрологда эса «...Туркистон вилоятидаги фуқаролар ичидин марҳум Абдулсатторхон энг аввал русия тили ва хатини билиб ва русияларнинг ҳар хил илмиға тааллуқ китобларини ўқуб ва фаҳмлаб, бўлак мусулмон одамларға тушунтургон эди», деб қайд қилиб ўтилади.

²⁶ ЎзССР Марказий Давлат тарих архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 1678-дело, 23-варақ.

Манбалардан аниқланишича, Сатторхон рус адабиёти билан ҳам яқиндан қизиққан ва рус адабиёти классикларининг асарларини жуда кўп ўқиган. Академик В. В. Бартольднинг маълумот беришича, Сатторхон айниқса, Лев Толстой асарларини зўр иштиёқ билан ўқиган²⁷.

Шундай қилиб, Сатторхон XIX асрда, яъни асрий қолоқлик ҳукм сурган ва диний фанатизм авж олган, жаҳолат тўла бир замонда рус тилининг оташин тарғиботчиси бўлиб етишди. Лекин бу йўлда унга ҳамроҳ бўладиган, уни бу олижаноб ишда қўллаб-қувватлайдиган кишилар у даврда ҳали жуда ҳам оз эди. Икки ёқлама зулм чекаётган ўлканинг кучсиз ва ожиз аҳолиси ҳамон зулмат ва жаҳолатда яшар эди.

В. И. Ленин ўзининг «Озодлик ҳаракатида тоифалар ва синфлар роли» деган мақоласида Пушкин ва Лермонтов яшаган давр ҳақида шундай ёзади: «Крепостнойлик Россияси забун ва беҳолдир. Халқ ёрдам қилмаса, кучсиз бўлган дворянларнинг жуда ҳам озчилиги норозилик билдиради. Аммо дворянлардан бўлган энг яхши кишилар халқни уйғотишга (таъкид бизники — О. У.) ёрдам қилдилар»²⁸.

Лениннинг рус дворянларидан энг яхшиларини тавсифлаб берувчи бу кўрсатмасини XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда таркиб топа бошлаган ва таркиб топган юқори табақа (тоифа) интеллигенциянинг намояндаларига, шу жумладан, Сатторхонга ҳам маълум даражада татбиқ қилиш мумкин. Тўғри, Сатторхон Россия дворян революционерлари даражасигача кўтарила олмади ва кўтарила олиши ҳам мумкин эмас эди. Бунинг устига у, дунёқарашининг чекланганлиги туфайли синфий курашни, жамиятдаги ижтимоий кучларнинг муносабатини тушуниш даражасигача ҳам кўтарила олмаган эди.

Аммо Сатторхон ўзи мансуб бўлган тоифадан — юқори табаканинг энг яхши ва илгор фикрли кишиларидан бири сифатида ўз муҳитидан ажралиб чиқиб, ўз халқини ижтимоий қарахтликдан, асрий қолоқлик ва жаҳолат уйқусидан уйғотишга ҳаракат қилди. Рус тилини эса, у бу қарахтликдан бош кўтаришда, фикрий уйғонишда, хусусан рус маданияти ва дунёвий фанлардан баҳраманд бўлишда ҳамда рус халқи билан яқинлашиш ва алоқа қилишда муҳим бир восита деб биларди. Шунинг учун ҳам у рус тилини улуглаб, умр бўйи ўз ватандошларини уни ўрганишга ҳар доим даъват этиб келди.

Маърифатпарвар-демократ олим Сатторхоннинг орзуси фақат Улуғ Октябрь Социалистик революцияси туфайли Совет замонидagina амалга ошдики, эндиликда унинг бу кунги миллион-миллион авлодлари Туркистонда рус тилининг илк тарғиботчиси бўлиш бу мўтабар олимнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар.

²⁷ Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана, Л., 1927 г., с. 173.

²⁸ Ленин В. И. Асарлар, 23-том, 447-бет.

Усмонов О.

Сатторхон — рус тили тарғиботчиси (Масъул муҳаррир: Ф. Абдуллаев).
Т., «Фан», 1980, 32 б.

Усманов А. Саттархан — распространитель русского языка.

ББК 81. 2Р

АЛИМ УСМАНОВ

САТТАРХАН — РАСПРОСТРАНИТЕЛЬ РУССКОГО ЯЗЫКА

На узбекском языке

ТАШКЕНТ, «ФАН»

*Ўзбекистон ССР ФА илмий-оммабон китоблар таҳрир
ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир О. Одилхонов
Рассом В. С. Тий
Техмуҳаррир Э. Сағдиева
Корректор М. Асадуллаева

ИБ № 1400

Теришга берилди 25.04.80. Босишга рухсат этилди 29.05.80. Р04654. Формат 60×90^{1/16}. Босма-хона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли-босма л. 2,0. Ҳисоб-нашрёт л. 2,1.
Тиражи 1000. Заказ 110. Баҳоси 10 т.

Нашриёт адреси: 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.